Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 3 MART, SESHANBA, 27 (7488) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКМАНИСТОН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 24-25 февраль кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари дўстона ва ҳамжиҳатлик руҳида музокаралар ўтказдилар, сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар, Ўзбекистон-Туркманистон муносабатларини янада ривожлантириш йўлларини белгиладилар. Томонлар бир-бирини қизиқтирадиган долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар олий даражада эришилган икки томонлама келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам негиз яратганини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида мустаҳкам қўшничилик ва дўстона алоқалар мавжудлиги, давлатлараро муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани тасдиқланди. Икки қардош давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро баҳамжиҳат ҳаракат механизмини ривожлантиришга интилаётгани қайд қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, Президентлар бу соҳадаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга эканини таъкидладилар ҳамда тенг ҳуқуқлилик ва томонлар манфаатларини ҳурмат қилиш принциплари асосидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришга интилишларини изҳор қилдилар.

Давлат бошлиқлари мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг сифатли бажарилиши хизмат қилишини таъкидладилар.

Президентлар савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма комиссиясининг 12-13 февраль кунлари бўлиб ўтган мажлиси якунларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Томонлар ўзаро савдо ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганини қайд қилдилар. Қўшма комиссиянинг транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган қарорларини амалда бажаришга ўзаро тайёр эканликлари тасдиқланди. Тошкентда Туркманистон Миллий кўргазмаси ўтказилишининг муҳимлиги қайд қилинди.

Президентлар маданият, санъат, туризм, спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш ва фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқладилар. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги маънавий ва гуманитар алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлашга содиқлик изҳор қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон мавжуд ҳуқуқий пойдеворга таяниши ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг самарали бажарилишини таъминлаши мумкин. 2007 ва 2009 йилларда икки давлат пойтахтларида биргаликда ўтказилган концертлар икки халқ маданияти яқинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Долзарб халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳам, Туркманистоннинг ҳам минтақа ва халқаро микёсда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш истаклари борлиги таъкидланди. Президентлар жаҳон ҳамжамияти мақсадлар умумийлигини англаш, ҳозирги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш зарурлигини тушуниб етиши, бу йўналишда амалий ишлар қилишга тайёр бўлиши бугун халқаро муносабатларнинг барча тизимларини собиқдадам ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланишини қайд қилдилар.

Томонлар Афғонистонда мумкин қадар тезроқ тинчлик ўрнатиш ва вазиятни барқарорлаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга улар икки мамлакатнинг Афғонистон масалалари бўйича халқаро ташкилотлар иштирокидаги музокаралар жараёнини фаоллаштиришга қаратилган самарали механизмлар яратиш бўйича ташаббуслари муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг Марказий Осиёда кенг доирадаги трансчегаравий таҳдидларга қарши – терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги манфаатлари бир хилдир.

Президентлар Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларини муҳокама қилдилар. Бу масалалар минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига асосланиб ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши лозимлиги қайд қилинди. Шу билан бирга трансчегаравий дарёлар манбалари ҳажмининг пасайишига йўл қўймаслик, шунингдек, манфаатдор томонлар билан трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда ошкоралик ва хабардорлик принциплари асосида мустақил халқаро техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизалар ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Музокаралар асносида фақат давлатларнинг биргаликдаги уринишлари, уларнинг глобал тараққиётнинг энг муҳим масалаларига нисбатан келишилган принциплар ва ёндашишларга содиқлиги жаҳон ҳамжамиятига ушбу масалаларни самарали ҳал қилиш усулларини топиш имконини бериши қайд қилинди. Бу тўла равишда энергия манбаларини транспортировка қилишда энергетика хавфсизлигининг глобал тизимини шакллантиришга ҳам тегишлидир.

Давлат бошлиқлари БМТ Бош Ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда Туркманистон ташаббуси билан қабул қилинган "Энергия манбаларининг ишончли ва барқарор транзити ва унинг халқаро ҳамкорликни оғишмай ривожлантиришни таъминлашдаги роли" номли резолюцияси ва ундаги 2009 йилда Ашхободда энергия манбаларини жаҳон бозорларига транспортировка қилиш масалаларини муҳокама этиш учун халқаро конференция ўтказишга берилган мандатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўз табиий газ захираларининг дунё бозорларига чиқиш маршрутларини диверсификация қилиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ўрганишдан манфаатдор эканликларини изҳор қиладилар.

Президентлар бир-бирини қизиқтирадиган икки томонлама ва кўп томонлама масала ва муаммолар бўйича мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб туришни мақсадга мувофиқ деб биладилар. Шу маънода халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш масалалари, шунингдек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик каби энг долзарб иқтисодий масалалар, маданий-гуманитар ва бошқа бир-бирини қизиқтирадиган соҳаларда ҳамкорлик масалалари устувор ҳисобланади. Икки томонлама маслаҳатлашувлар турли даражаларда ўтказилади. Жумладан, давлат раҳбарлари, икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари раҳбарлари даражасида, расмий делегациялар ташрифлари чоғида.

Президентлар тарихан шаклланган алоқаларга асосланган Ўзбекистон-Туркманистон муносабатлари юқори, сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон халқларининг туб манфаатларига, уларнинг фаровонлигини оширишга жавоб берадиган дўстлик ва ўзаро англашув руҳига тўла равишда мос келишига ишонч билдирдилар.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга, бутун ўзбек халқига Туркманистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзи учун қулай вақтда Туркманистонга расмий ташриф буюришни таклиф қилди. Ташриф муддати дипломатик каналлар орқали келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ

Туркманистон Президенти Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 февраль

ЗАМИН СОҒ — КЎНГИЛ ЧОҒ

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида Жиззах вилояти гидрогеология мелиоратив экспедицияси томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

– Вилоятимиз бўйича 299 минг гектар суғориладиган ер майдони бор, – дейди Жиззах вилояти гидрогеология мелиоратив экспедицияси бошлиғи Рашиджон Маматқулов. – Шундан 52 минг 720 гектари шўрланган, 154 минг 161 гектари кучсиз, 86 минг 372 гектари ўртача, 6600 гектари кучли шўрланган ерлардир. Ўтган йилда 690 километр зовурлар тўлиқ тозаланди. 365 километрдаги ёпиқ-ётиқ дренажлар ювилиб, 45 та кузатув ҳамда 3 та мелиоратив қудуқлар қайта қурилди.

– Ушбу ишларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилди, – дейди экспедиция бош муҳандиси Қурдош Шодиев. – Шу мақсадда 62 та юқори унумли экскаватор, 35 та бульдозер, 16 та дренаж ювувчи агрегат ҳамда вагон уйлар билан таъминландик. 2008-2012 йилларга мўлжалланган дастурга асосан жорий йилда 700 километр очиқ зовур тармоқларини тозалаш, 370 километр ёпиқ-ётиқ дренажларни ювиш ва қисман қайта таъмирлаш, 15 та қувурли ўтиш жойларини таъмирлаш, 4 та мелиоратив ва бир нечта кузатув қудуқларини созлаш ишларини бажарамиз. Бунинг натижасида ҳосилдорлик 3-4 центнерга ошади.

СУРАТДА: *Жиззах вилояти гидрогеология мелиоратив экспедицияси бош муҳандиси Қурдош Шодиев, 1-участка бошлиғи Мамараҳим Абдуқодиров ва агроном Рашид Хўрозов.*

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ олган сурат.

Жиззах вилояти

Дарёлар оралиғи:

Амударё ва Сирдарё ҳавзасини ЯХЛИТ ТИЗИМ деб қараш лозим

Икки улуғ дарё — Амударё ва Сирдарё ўртасида жойлашган ўлка қадим-қадимдан буён Мовароуннаҳр, яъни икки дарё оралиғи, деб атаб келинади. Айнан ана шундай қулай жойлашув туфайли бу масканда асрлар давомида жаннатмонанд боғлар қулф уриб, деҳқончилик ва чорвачилик мудом равнақ топиб келади. Зеро, бу ҳудуд учун ушбу икки дарё суви ҳамиша ишончли обиҳаёт манбаи бўлиб келган. Ҳар икки дарёнинг суви бир денгиз — Оролга қуйилиши туфайли ҳам замонавий тил билан айтганда, тарихий жиҳатдан Марказий Осиёдаги ягона гидрология тизимини шакллантирган, яхлит организмга айланиб кетган.

Афсуски, тоталитаризм йилларида Амударё ва Сирдарёнинг асрлар давомида шаклланган оқимини тубдан ўзгаришига олиб келувчи ҳалокатли қарорлар қабул қилинди ва шунинг оқибатида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистоннинг ушбу дарёлар қуйи қисмида яшовчи аҳолиси сув таъминотида катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Айниқса, ўта қурғоқчил келган ўтган йил давомида бу муаммолар янада ўткирроқ намоён бўлди.

Сувсизлик муаммоси қишлоқ хўжалигига, қолаверса, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига катта зарар етказди, айниқса, шу заминда яшаётган кишиларни жиддий синовларга дучор этди.

Биргина Сирдарёни оладиган бўлсак, ундан Фарғона водийси, яъни, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг 10 миллиондан зиёд фуқаролари, шунингдек, республикамизнинг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Қозоғистоннинг жанубий минтақалари ерлари сув ичади.

Афсуски, шунга қарамасдан, ўтган йилги ниҳоятда оғир сув танқислиги шароитида Тўқтағул каскадидан фақат энергетика режимида фойдаланилди ва оқибатда қиш давридаги сув оқизиш миқдори ҳар сонияда минг кубометргача етди. Бу эса Фарғона водийсининг Ўзбекистонга тегишли ҳудуди ерларини сув босишига ва оқибатда минглаб гектар бебаҳо экин майдонларининг оборотдан чиқарилишига, соҳил бўйи тўғонларининг ювилиб кетишига, турар-жойлар, автомобиль йўллари, электр узатиш тармоқлари сув остида қолиб кетишига олиб келди. Кейин, яъни экинга сув керак бўлган пайтда эса қишки сув оқизишлар миқдоридаги улкан зарар етказилди. Чунки минглаб тонна қимматбаҳо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг имкони бўлмади.

Ўтган йили Ўзбекистон минтақадаги иккинчи оби-ҳаёт манбаи — Амударёдан ҳам йиллар давомида шаклланган меъёрдаги сувни ололмади. 2008 йилнинг августида — тошқинлар пасайган пайтда Тожикистондаги Нурек сув омборини тўлдириш бошланди ва бу қуйи ҳудудларда, айниқса, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида суғориш ҳамда ичимлик суви таъминотида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Бу ҳудудларда экинлар парвариши даврида сув билан таъминланиш даражаси кўп йиллар давомида шаклланган ўртача меъёрнинг 20-30 фоизини ташкил этди, холос. Чунки оби-ҳаётнинг ҳар бир томчиси олтинга тенг бўлган дамларда Тўқтағулдан оқизилган сув миқдори сониясига тўрт юз кубометрдан ошмади.

Айни экин парвариши чоғида сув таъминоти ўрта даражадан паст бўлганлиги сабабли Фарғона водийси, Сирдарё, Жиззах вилоятларида қишлоқ хўжалигига миллионлаб доллар окибати ўлароқ, чинакам қурғоқчилик юз берди, яъни ёзги парвариш даврида минтақаларда суғориладиган майдонларга меъёрдаги сувнинг атиги 50 фоизи етказилди, холос. Чунки оби-ҳаётнинг ҳар бир томчиси олтинга тенг бўлган дамларда Тўқтағулдан оқизилган сув миқдори сониясига тўрт юз кубометрдан ошмади.

Амударёда сув сатҳининг паст бўлиши оқибатида Қарши ва Ому-Бухоро каналларига олинган сув миқдори зарурият даражасидагидан бир миллиард кубометр кам бўлди.

Амударё ҳавзасида воқеаларнинг шу тахлитда ривожланиши нафақат Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудидаги суғориладиган деҳқончилик, балки Жанубий Оролбўйи экология тизимида ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда Сирдарё ҳавзаси ҳудудларни айрича тасаввур этиш аҳлга сиғмайдиган иш. Зотан, айрим сув танқис бўлган минтақалар, чунончи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин тутувчи Сирдарё ва Жиззах вилоятлари айни бир вақтда ҳам Сирдарё, ҳам Амударё ҳавзалари сувидан тўйминланади.

Бугун биз минтақада асрлар давомида шаклланиб такомилига етган сув таъминоти тизими издан чиқаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунинг устига, афсуски, экологик фалокат ёқасидаги ушбу вазиятни ўзларининг совет даврининг "энг яхши" анъаналарига содиқ тарзда табиатга аёвсиз зўравонликка асосланган лойиҳалари билан янада оғирлаштиришга уринаётган кучлар пайдо бўлаётгани ғоят ачинарлидир.

Юзага келган аҳвол ушбу ўта мураккаб шароитларда сурункали давом этиб келаётган сув танқислигини бартараф этиш чораларини излашни талаб этмоқда.

Хусусан, мутахассисларнинг нафақат трансчегаравий дарёлар, балки ички сув оқимлари сув манбаларидан самарали фойдаланиш, чунончи, уларни қайта тақсимлаш орқали мамлакатдаги айрим минтақаларда суғориш ҳамда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича ҳисоб-китоблари бор.

Масалан, Чирчиқ дарёси ортиқча оқимини Сирдарёнинг чап қирғоғига — Сирдарё ва Жиззах вилоятларига ташлаш ушбу ҳудудларда суғориш ва ичимлик суви тақчиллиги муаммосини ҳал этиш билан биргаликда Сирдарёга сувнинг беҳуда оқизилиши олдини олиш имконини ҳам беради.

Шунингдек, Оҳангарон сув омбори сиғимини ошириш туфайли Оҳангарон дарёси чуқурлигини ҳамда оқимини янада орттириш ва шу орқали Тошкент вилояти қатор шаҳарларини ичимлик сув таъминотини яхшилаш, қишлоқ туманларидаги эҳтиёжларни қондириш имконини яратиш мумкин.

Фақат мана шу икки тадбирнинг ўзиёқ ҳозирги пайтда Сирдарёга бефойда ташлаб юборилаётган миллиард куб метрдан зиёд сувдан унумли фойдаланиш имконини беради.

Сирасини айтганда, вужудга келган мураккаб шароитларда аҳолини қурғоқчиликнинг, сув танқислигининг хатарли оқибатларидан ҳимоя қилиш учун мавжуд сув манбаларидан, қолаверса, сувнинг ҳар бир қатрасидан оқилона фойдаланишимиз зарур.

А.ИБРОҲИМОВ

Долзарб мавзуга бағишланди

Самарқанд шаҳридаги концерт залида "Диний экстремизм ва миссионерлик — барқарорликка таҳдид" мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Унда диний ақидапарастлик ва миссионерлик сингари бузғунчи ҳаракатлар жамиятимизга ёт иллатлар экани, ёшларга уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш ва олдини олиш хусусида сўз юритилди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда уларнинг маънавият ва маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, талаба ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур семинар қизғин ва мулоҳазаларга бой тарзда кечди.

Анжуманда сўз олганлар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига соя ташлаш ва тинчосойишта турмушимизга раҳна солиш ниятидаги кучларга қарши кескин ва муросасиз курашиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини алоҳида қайд этишди.

Семинар якунида иштирокчиларга "Жаҳолат чангалида" видеофильми намойиш этилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

Самарқанд вилояти

ЯНГИ ШИФОХОНА

Данғара туманидаги Қум-қияли қишлоғида замонавий врачлик пункти иш бошлади.

Бу ерда кундузги стационар, эмлаш, гинекология, стоматология ва муолажа хоналари аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Янги шифо масканинг қурилишида ҳудуддаги «Тараққиёт» фермер хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур тиббиёт масканлари «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

(ЎзА)

Фарғона вилояти

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

О Фармон ва ижро

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида 4579 касаначилик иш ўринлари яратилди. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассислари таъкидлашича, Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Нукус ва Тахиатош шаҳарларида, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Амударё, Чимбой, Кегайли туманларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилди.

КАСАНАЧИЛИКдан икки томон манфаатдор

"Беруний пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятида ўтган йили 57 касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 46 тага ошади. "Чимбой ёғ" ҳиссадорлик жамияти билан шартнома асосида 69 киши чорвачилик, тикувчилик, темирчилик билан банд бўлди. Шундан 27 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

– Ўтган йили касаначилик асосида 413 та иш ўрни яратилди, – деди Нукус шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази директори Азат Мирзамбетов. – Уйда меҳнат қилаётган касаначиларнинг меҳнат шартномалари, ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар ҳамда меҳнат дафтарчалари амалдаги қонунчиликка асосан расмийлаштирилиб, ойлик маошлари ўз вақтида берилмоқда. Шаҳардаги "Каттагар темирбетон буюмлари заводи" ОХЖда касаначилик туфайли 2895,6 минг сўм маблағ иқтисод қилиб қолинди. Касаначи Саламат Абдимурадов электр двигателларининг симларини қайта ўраш, Гулноз Қоражанова ва Назигул Утемуратовалар махсус кийим-бош, қўлқоплар тикиш, Менлибек Камалов, Турсунбой Жумановлар эса тош йиғиш йўналиши бўйича меҳнат қилиб келмоқда.

Жорий йилда ҳам касаначилик асосида янги иш ўринларини барпо этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 3428 та режалаштирилган бўлиб, шундан январь ойининг ўзида 265 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Энг муҳими, уларнинг нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки узоқ овулларда, чекка қишлоқларда ҳам ташкил этилаётганлиги қувонарлидир.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ДЕҲҚОНГА МАДАД, КОРХОНАГА ДАРОМАД

кимё корхоналарининг фирма дўконлари иш бошлаяпти

Ана шундай хайрли ишлар самараси ўлароқ Фарғона вилоятидаги "Ўзкимёсаноат" тизимидаги корхоналарда тайёрланаётган кенг халқ истеъмоли моллари билан савдо қилувчи 15 та дўкон иш бошлайди. Бу борадаги ташкилий-таъминот ишларига водийдаги энг йирик кимё мажмуаси – "Фарғонаазот" ОАЖ ҳамда Қўқон суперфосфат заводи мутасадди этиб белгиланди.

– Ушбу савдо шохобчаларида жамиятимиз конвейеридан чиқаётган хлорат-магний дефолианти, суюқ аммиак, эмулсия бўёғи, 2 хилдаги мебель елими, газ баллонларида жойлашган улгерод-2 оксиди, кислород, катта ва кичик ҳажмда қадоқланган карбамид минерал ўғити каби маҳсулотлар савдога қўйилади, – дейди "Фарғонаазот" жамияти тайёр маҳсулотларни сотиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Хошимжон Мамаюсупов. – Дўконлар пештахталарини хилма-хил товарлар билан тўлдириш ҳаракатида мамлакатимиздаги 10 га яқин кимё корхоналари жамоалари ўз маҳсулотлари билан қатнашадилар. Бу йил ушбу шохобчалар орқали аҳолига "Фарғонаазот"да тайёрланган 45 минг тонна карбамид ўғитини сотиш мўлжалланяпти.

Инфратузилма

Корхонада янги ишга туширилган суюқ аммиакли селитра ва карбамид аралашмаси ишлаб чиқаришга мослаштирилган янги технология бу борада Фарғона азотчиларига жуда қўл келиши аниқ бўлиб турибди. Янги линия ёрдамида фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли шахсий томорқасининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондириш имконияти пайдо бўляпти. Суюқ ҳолдаги минерал ўғитларни қадоқлаш учун талаб этиладиган 1 литрдан 5 литргача бўлган идишлар ҳам корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилади.

Бундан уч йил аввал вилоят "Қишлоққўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятининг биржа савдолари базалари томонидан шаҳар ва туманларда 60 га яқин шундай савдо тармоқлари ташкил этилиб, улар аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган эди. Юқоридаги дўконлар каби улар ҳам аҳолига сотишга мўлжаллаб қадоқланган, махсус идишларга жойланган минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, плёнка ва пластмасса буюмлари ҳамда бошқа хил кенг истеъмол товарлари билан таъминлаб борилади. Йил охирига қадар бундай шохобчалар сонини 80 тага етказиш режалаштирилган.

Албатта, тайёр маҳсулотларни мана шундай йўллар билан реализация қилиш корхоналар иқтисодий ҳолатининг сезиларли яхшиланишига ва пировард натижада ишлаб чиқаришнинг бевосита иштирокчилари бўлган ишчи ва мутахассисларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга имконият яратади.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Фарғона вилояти

Туманимизнинг чекка ҳудудида жойлашган Ўзбеккент маҳалласи учта қишлоқдан таркиб топган. Тоғ ён бағирларига яқин бўлган жойларда одамлар кўпроқ чорвачилик, лалми ерларда деҳқончилик билан шуғулланадилар. Уддабуррон кишилар тепалик ва қиялик ерларга сув чиқариб боғ яратадилар, терак экадилар.

ОБОД ЎЗБЕККЕНТ

Қирларда ўсадиган доривор гиёҳлардан териб, соғлиқ учун фойдаланадилар. Айрим кишилар бия сути, эчки сутидан шифобахш қатиқ тайёрлашади. Баъзи оилалар от боқишади. От миниб юришнинг ўзи кишига ҳузур бағишлайди.

Маҳалламиз фаоллари билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлик нима?" деган мавзуда суҳбатлашдик. Бу борада яхши фикрлар айтилди, таклифлар бўлди.Таъкидлаганимдек, суғориладиган ва лалми ерларда етиштириладиган буғдой, донли экинлар 3,5 мингдан ортиқроқ аҳолининг бир йиллик эҳтиёжи учун нафақат етади, балки ортганини бозорларда сотиб даромад қилишга, захира тўплашга ҳам етаркан. Соҳибкор боғбонлар боғдорчилик, узумчиликдан-ку катта фойда кўрадилар. Улар яна картошка, карам, сабзи-пиёз, полиз маҳсулотларини кўпроқ етиштириб, озиқ-овқат экинларидан мазкур йилда мўл ҳосил олишни мақсад қилишган.

Аҳолининг ночор қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш борасидаги давлатимиз устувор сиёсатига амал қилган ҳолда ҳозирда рўйхатга олинган кам таъминланган оилаларга захира маҳсулотлар ҳисобидан ёрдам кўрсатиляпти. Шу йўсинда тўрт нафар етим болаларга, 12 та боқувчисини йўқотган оилага, икки нафар уруш иштирокчисига ғамхўрлик кўрсатилди. Шунингдек, жорий йилда ижтимоий ёрдам миқдори янада кўпроқ бўлишини режалаштирдик.

Қирлар орасидан оқадиган сойга бетон қуйиб, тўғон қуриш ишлари ҳам режалаштирилмоқда. Бу ишга туман ҳокимлиги, қўшни маҳаллалар аҳли ҳам ҳисса қўшадилар. Агар тўғон қурилса баланд ерлардаги экинларга сув чиқади, фаровонлик янада ошади.

Максудхон ХАМЗАЕВ,
Иштихон туманидаги Ўзбеккент маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Самарқанд вилояти

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ — ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИ ИФОДАСИ

Юртимиз бўйлаб баҳор ўз сепини ёймоқда. Атроф секин-аста яшил либосга бурканаётир. Республикамизнинг барча жойларида кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ариқлар тозаланиб, кўчат экиш ишлари давом этмоқда. Аслида, юртимизда ҳар баҳор шундай қарши олинади. Асрлар оша сайқалланиб келаётган анъаналаримиз Наврўз олдидан янада жонланиб кетади.

"Яшил фильтр" фазилатлари

Буни дилдан ҳис қилган юртдошларимиз кўкаламзорлаштириш ишларига қизғин киришдилар

Ушбу удумларимизнинг барчасида хайрли мақсад кўзланган. Зеро, аҳоли гавжум жойлар, айниқса, саноати ривожланган ҳудудларни кўкаламзорлаштириш бу ерда кучли биологик фильтр яратиш демакдир. Дарахтлар ёз мавсумида ўзидан кўп миқдорда сувни буғлантиради, ҳавонинг намлигини оширади, чанг ва ғуборларни ушлаб қолади. Маълумотларга кўра, қалин дарахтзор кўча шовқинини 20-25 децибаллга камайтирар экан. Баланд бўйли дарахтлар кучли шамолдан 200 метргача муҳофаза қилади.

Юртимизда айни кўкаламзорлаштириш жараёни кетаётган бир вақтда нималарга эътибор қаратиш керак? Жумладан, шаҳарларда чидамли, узоқ умр кўрадиган, манзарали дарахтлар — жўка, каштан, қизил эман ҳамда игнабарглиларни экиш мақбулдир. Тез ўсувчи дарахтлардан терак, оқ қайин, толлар ва чинор муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ жойларда мевали дарахт кўчатларини қадаш, айниқса, тез мева берадиган, серҳосил навларни экиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда кўкаламзорлаштиришда игна баргли дарахт турларидан кўплаб фойдаланилмоқда. Албатта, игна баргли дарахтлар йил давомида яшиллик касб этиб, кўрк бағишлайди. Шунингдек, ўзидан кўп миқдорда фитонцид моддалар ажратади, ҳавонинг мусаффолигини таъминлайди. Юртимиз иқлимининг иссиқлиги соя беруви янроқ баргли, баланд бўйли манзарали дарахтларни ҳам кўпайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Жумладан, каштан, эман, жўка, мажнунтол, заранг, шумтол, қайин кабилардир.

Боғ-хиёбонларни ташкил этишда дарахтларнинг табиий ўсган ҳудудларини бошқалари билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Кўкаламзорлаштиришда энг эътибор билан қараладиган жиҳат шуки, экиладиган ниҳолларни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилашда ҳозирда мамлакатимизда мавжуд бўлган ўсимликларнинг дендрологик фондидан фойдаланиш зарур. Бу ниҳолнинг тез тутиб олиши, шароитга осон мослашиши ҳамда баравж ривожига омил бўлади.

Бугунги ҳаракат эртанги баракат, дейди дона халқимиз. Кўчат экиш, боғ яратиш савоб иш. Шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшувчи хайрли тадбирларда ҳар биримиз фаол қатнашайлик.

Абдихалил ҚАЙИМОВ,
Тошкент Давлат Аграр университети Ўрмончилик кафедраси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

"ФАОЛ НУРОНИЙ АЁЛЛАР"нинг фаол тарғиботчиси

2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши Булоқбоши тумани "Нуроний" жамғармаси қошидаги "Фаол нуроний аёллар" гуруҳи аъзоларини ҳам руҳлантириб юборди. Ҳозирги кунда улар аҳоли ўртасида Президентимизнинг Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги "Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз" мавзусидаги маърузаси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар мазмун ҳамда моҳиятини кенг тарғиб қилмоқдалар. Айниқса, гуруҳ аъзоси, 23-умумтаълим мактаби хотин-қизлар қўмитаси раиси Рўзихон опа Асранова олиб бораётган тарғибот ишлари ўрганишга лойиқдир.

Рўзихон опа 1975 йили фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. 1981 йили Андижон Давлат университетининг филология факультетини сиртдан тамомлади. У ёшларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериш билан бирга фахрий онахонлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Мана 34 йилдирки, у рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Фозилжон ака билан тинч-тотув яшаяптилар. Рўзихон опа 5 нафар фарзанднинг онаси, 4 нафар неваранинг севимли бувиси. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли, эл ишига камарбаста.

Рўзихон опа фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Муҳайёхон Тешабоева, Сайёрахон Хожимирова ва Хуршидахон Матқурбонова у билан бир сафда ишлаяптилар.

"Йилнинг энг фаол ўқитувчиси", "Ижодкор аёл" кўрик-танловларида фаол қатнашган Рўзихон опа фахрий аёллар ўртасида ўтказилган "Йилнинг энг яхши фахрий фаол ўқитувчиси" кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Рўзихон опа шу кунларда маҳалланинг фахрий аёллари ўртасида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳамда Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятини ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни кенг тарғиб қилмоқда. Меҳр-мурувватга, инсон қадр-қимматига оид тадбирлар ўтказишга бош-қош бўлмоқда.

– Рўзихон опадек фаол тарғиботчиларимиз борлиги билан фахрланамиз, – дейди "Нуроний" жамғармаси Булоқбоши тумани бўлими раиси Исмоил ҳожи ота Норматов. – Фахрий тарғиботчилар фаолияти ёшларимизга ибрат бўлади, жамият маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Раъно ЖУМАНИЁЗОВА

Андижон вилояти

ЗАМИН МАВСУМГА ТАХТ

— Даставвал фаолиятимизни 19 гектар экин майдонидан бошлаган эдик, — дейди Мингбулоқ туманидаги "Назарали" хўжалигимизнинг бошлиғи Сирожиддин ака Шоназаров. — Айни кунга келиб, хўжалигимизнинг умумий ер майдони 75 гектарни ташкил этмоқда. Жорий йил ҳосили учун 40 гектар майдонда пахта, 35 гектарида ғалла етиштириш кўзда тутилган. Бу йилги ниятимиз ўтган йили қўлга киритилган натижаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Бунинг учун эса пухта ҳозирлик кўриб қўйилган. Мавжуд техника воситалари сифатли таъмирланиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Барча экин майдонларининг шўри обитобида ювилди. Бундан илгор сувчилардан Абдуназар Олимов, Дилмурод Шайназаров, Валишер Бўташев ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Наманган вилояти

НУРЧИЛАРНИНГ ЗОТДОР МОЛЛАРИ

"Ўзбекэнерго" ДАК ҳомийлигида Сирдарё ИЭС ОАЖ қошида зотдор қорамоллар наслчилик хўжалиги ташкил этилди. Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида фаолият юритаётган "Насл хизмат" МЧЖ хўжалик учун зотдор қорамолларни танлаш ва уларни сотиб олишда амалий кўмак берди. Белоруснинг етакчи наслчилик бирлашмаларидан 500 бошга яқин зотдор қорамол олиб келинди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг "TAPC AVIATRANS AIRCOMPANY" шўъба корхонаси уларни манзилга беталафот етказиб берди.

Тармоқ ривожи, энг аввало, яратилган шароитга боғлиқ. Шунинг учун чорвачилик мажмуаси тубдан қайта таъмирланиб, реконструкция қилинди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш учун Ховос туманида 322 гектар суғориладиган ер ажратилди. Айни пайтда ушбу наслчилик хўжалигида яхши ният билан бошланган ишлар ўз натижаларини бера бошлади.

Бугунга келиб сигирлардан 64 бош соғлом бузоқлар олинди. Кунига 900 литрдан ортиқ сут соғиб олинаяпти.

Келажакда сут соғиб олишни кунига 10 тоннага, зотдор сигирлар сонини 600 бошга етказиш, шунингдек, хўжаликда гўшт ва сутни қайта ишлайдиган технологиялар ўрнатиш режалаштирилаяпти. Ушбу хўжалик ташкил этилиши натижасида 71 нафар мутахассис, ишчи ходимлар учун иш ўринлари яратилгани диққатга сазовордир. Демакки, келажакда хўжалик кенгайиб, иш қўламми ошар экан, янги-янги ишчи ўрни ҳам юзага келади.

Аҳолининг сут, гўшт, балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида олиб борилаётган режали ишларнинг давоми сифатида Сирдарё ИЭС ОАЖ қошида балиқчилик хўжалигини ташкил этиляпти. Сирдарё ўзанининг атрофидаги 4,2 гектар ёпиқ сув ҳавзаси реконструкция қилиниб, балиқчилик хўжалигини ривожлантириш учун барча зарурий шарт-шароитлар тайёр ҳолга келтирилди.

Юртимизда аҳолининг фаровонлигини янада ошириш учун амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан руҳланган Сирдарё ИЭС ОАЖ нурчилари янада ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Хусниддин НОРБЎТАЕВ

Сирдарё вилояти

ЗИЁДУЛЛА БОБОНИНГ БАХТИЁРИ

Уста деҳқон Зиёдулла ҳожи Бекназаров ибратли ҳаёт йўли давомида деҳқончилик маданиятини юксалтиришга имкон даражада ҳисса қўшди. Турмуш ўртоғи Қўйсин ая билан 12 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Фарзандларидан Бахтиёр ҳам ерга меҳр қўйди. Пахта, дон етиштиришнинг ўзига хос сир-асрорларини қунт билан эгаллашга интилди. 2001 йилда отаси Зиёдулла бобога фермер хўжалигини ташкил этиш нияти борлигини билдирди.

— Яхши ўйлабсан, қийинчиликларига, дала ташвишларига чидаган киши кўзлаган мақсадига эришади, — дея ота унга оқ фотиҳа берди.

Бахтиёр фермер хўжалиги номини "Зиёдулла ҳожи" деб атади. "Сизнинг номингиз менга қувват, далда бўлади, — деб отасининг кўнглини кўтарди. — Ахир, "Ота рози — худо рози" деганлар-ку?!"

Ота ўғлига деҳқончилик сир-асрорларини ўргатди. Дастлабки йилда 55 гектар лалми майдонга буғдойнинг "Краснодар" навини қадаб, 17 центнердан ҳосил олинди. Иккинчи йилда эса дон ҳосилдорлиги 19 центнерга етди. 2003-2004 йилларда ҳам ишда муайян ютуқларга эришилди. Дон ҳосилдорлиги 5-7 центнерга ошди.

— 2006-2007 йиллар биз учун омадли бўлди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Бекназаров. — Шу йилларда пахтадан 33 центнер, буғдойдан эса 64 центнер ҳосил олдик. Аъзоларимиз сони 12 нафарга етди. Ўтган йилда ҳам ютуқлар қўлами салмоқли бўлди. 13 гектар майдондаги ғўзадан 35 центнердан ҳосил олдик. 10 гектар ерда доннинг "Память" навидан 63 центнердан хирмон кўтардик. Ялпи даромад 40 миллион сўм, соф фойда эса 18 миллион сўмни ташкил этди. ДТ-75 ҳайдов, МТЗ-80 чопиқ трактори, Т-28 транспорт трактор, 2 та тележка, плуг, чизель, "Енисей" дон ўриш комбайнимиз бор.

Фермер хўжалигида чорвачиликка ҳам катта аҳамият берилаяпти. 20 бош қорамол, 40 бош қўй-қўзилар парваришига алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳар йили сутчиликдан 5-6 млн. сўм даромад бор. Замонавий дала шийпони қурилди. Тошмурод Юсупов, Мусулмон Холёров сингари чорвадорлар, механизаторлардан Жўрабек Ҳалимов, Қаҳрамон Ҳалилов, ишчилардан Ғулом Саидовдовлар бу ердаги шарт-шароитдан мамнун.

— Уйимиз донга, дастурхонимиз нонга тўлди, — дейди фермер хўжалиги аъзоси Хушвақт Шоимов. — Ҳар биримизга 1,5 тоннадан буғдой берилди. Чорва молимиз учун сомон етарли. Бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Янги уй қуриб, ҳовли тўйини ўтказдик.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили фермер хўжалиги аъзолари зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Улар 10 гектар майдонда боғ ташкил этиш, Хитойдан олмани қуритадиган миницех келтириб, тайёр маҳсулотни экспортга чиқаришмоқчи. Айни пайтда эса дала бошига 200 тонна маҳаллий ўғит тўпланган.

— Жамоамиз 2009 йилда пахта ҳосилдорлигини 40 центнердан оширишга бел боғлаган, — дейди Бахтиёр Бекназаров. — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ йўлларини асфальт қилиб, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалардан ҳам меҳр-мурувватимизни аямаймиз. Қишлоғимиз муаммоларини атрофлича ўрганиб чиқяпмиз. Ҳудудимиздаги барча мулкдорлар билан маслаҳатлашиб, қурилиш ва ободончилик ишларида фаол иштирок этамиз.

Дарвоқе, Бахтиёр дилдаги сўзларни айтди. Унинг исми-жисмига монанд бахтиёрлиги меҳнатида, ўзига хос гаштию, ҳаловатларга бой ташвишида.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти

"Иқтисодиётнинг қон томири", деб эътироф этилган банклар ўртасида ўзаро рақобат кучайган бир пайтда мижозлар кўнглига йўл топиш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳар бир молия муассасаси олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. «Ҳамкорбанк»нинг Термиз филиали жамоаси юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз мижозлари сонини кун сайин ошириб бораётган жамоалардан биридир.

"ҲАМКОРБАНК" МИЖОЗЛАРГА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Молия муассасасининг Термиз филиалида ибратли ишлар амалга оширилаётир

Бугун банк филиалида 1400 дан зиёд юридик шахсларга ҳамда 3000 та жисмоний шахсларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Банк филиали томонидан 2008 йил давомида барча молиялаш манбалари (ўз маблағи, бюджетдан ташқари жамғармалар, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки) ҳисобидан жами 1415 та мижозга 9940,5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига 188 та янги ишчи ўринлари яратилди. Шу жумладан, кичик бизнеснинг 610 та субъектига 6473,8 миллион сўм кредит ажратилиши натижасида 164 та одам доимий ўз иш жойларига эга бўлишди. Жисмоний шахсларга йил давомида берилган истеъмол, ипотека кредитлари 826 тани ташкил қилган бўлиб, унинг умумий суммаси 2391,3 миллион сўмни ташкил этди.

– Банклар ўртасида ўзаро соғлом рақобат кучайган ҳозирги пайтда мижозлар ўзи истаган молия муассасаси хизматидан фойдаланишга ҳаракат қилади. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили фаолиятимизда устувор, – дейди "Ҳамкорбанк"нинг Термиз филиали бошлиғи Ғайрат Жумаев. – Биз иш жараёнида мижозлар кўнглига йўл топиб, улар ишончини оқлашга ҳаракат қилаётирмиз.

Ғайрат Шукуровичнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги Фармон ва қарорлари молия муассасаси жамоаси зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади.

Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича ҳам жамоада ижобий кўрсаткичлар кўзга ташланмоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш мақсадида янги, юқори фоизли омонатлар, устама фоиздан ташқари мукофотлаш тизими жорий қилинди. Натижада, омонат қолдиғи 2008 йил 1 январь ҳолатидаги 2803,5 миллиондан 2009 йил 1 январь ҳолатига келиб 3512,1 миллион сўмга кўтарилди. Бу йил давомида 708,6 миллион сўм ўсишга эришилди деганидир.

– Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилган "Фуқароларнинг Ўзбекистон тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармони вилоятимиз аҳолисиниг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларига жалб этишга катта замин ҳозирлади, – дейди "Ҳамкорбанк"нинг Термиз филиали бошқарувчиси ўринбосари Абдуқаҳҳор Турдиалиев. – Мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш борасида аниқ режали ишларни амалга оширмоқдамиз. Қолаверса, ушбу муҳим ҳужжат молия муассасамиз ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

2008 йил давомида банк филиалига 37915,2 миллион сўм кирим қилинган бўлиб, ушбу маблағлардан 7914,5 миллион сўми ижтимоий тўловларга (пенсия, нафақа) тўланган бўлса, 8180,8 миллион сўми вилоят иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган энергетика ҳамда темир йўл соҳаси корхоналари иш ҳақига йўналтирилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилдаги тегишли қарорига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъий назар банк мижози бўлган барча хўжалик субъектларининг биринчи талаби билан уларнинг нақд пулга бўлган талаби қондирилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, банкда маҳорат ва малака мактаби "Устоз-шогирд" анъанаси билан уйғунлашиб кетган десак, асло муболаға қилмаган бўламиз. Жамоада ва унинг кичик шохобчаларида ишлаш ниятида бўлган олий маълумотли ёшлар йўналиш бўйича мутахассислар суҳбатидан ўтади. Шундан сўнг уларга устозлар бириктирилади. Маълум муддат давомида унинг интилиши, ташаббуслари, берилган топшириқларни бажариш даражаси баҳолаб борилади. Сир эмас, таълим-тарбия каби малака ва тажриба ҳам ўз-ўзидан келмайди. Шу маънода бу ерда ёш ходимларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосан ёшлардан иборат жамоадаги ишларни кузатиб, бунга тўлиқ амин бўлдик.

Хизмат сифатини такомиллаштириш, мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида жойларда кўплаб минибанклар ташкил қилинмоқда. Денов ҳамда Жарқўрғон туманларида фаолият юритаётган кичик шохобчалар қаторига Шеробод туманидаги минибанк ҳам қўшилди. Бундан ташқари, Термиз шаҳрида ҳам "Навқирон" минибанки ишга туширилиб, шаҳар ҳудудидаги кичик шохобчалар сони 4 тага етказилди. Эътиборлиси, мазкур банк шохобчаларида барча банк операцияларини амалга ошириш мумкин. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Мижозлар қадами узилмаётган кичик шохобчалар жамоаларининг келажакда амалга оширмоқчи бўлган режалари янада катта. Айни пайтда Сурхон воҳасида банк сармояларидан унумли фойдаланиб, муваффақиятга эришаётганлар жуда кўп. Бу эса банкнинг мижоз манфаатини устувор вазифа сифатида қўйиб, фаолият юритаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш мақсадида молия муассасаси томонидан муайян ишлар олиб борилаётир. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича комплекс чоратадбирлар кўрилганлиги сабабли етарли миқдорда пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Бугунги кунда банкда пластик карточкалар асосида мижозларга кенг кўламда хизмат турлари кўрсатилмоқда.

– Барча мижозларимизга хизмат кўрсатишнинг энг мақбул шаклларини жадаллик билан амалиётга тадбиқ этишимиз зарур. Зеро, биз келгусида ҳам мижозларимиз ишончини оқлаб, сафини кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз, – деди хайрлашаётганимизда банк бошқарувчиси ўринбосари Абдуқаҳҳор Турдиалиев.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Сурхондарё вилояти

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

ТЕРРОРЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Ироқнинг хавфсизлик хизмати ходимлари "Ал-Қоида"нинг маҳаллий бўлинмасига кирувчи 11 нафар террорчини ҳибсга олишга муваффақ бўлди.

Террорчилар мамлакатнинг шимоли-шарқида жойлашган Диёл вилоятида шанба куни ўтказилган ҳарбий амалиётлар пайтида қўлга олинди.

Маълум бўлишича, уларнинг орасида "Ал-Қоида"нинг Ироқдаги "нефть вазири" Али Маҳмуд Муҳаммад ҳам бор. Норасмий вазирнинг зиммасидаги вазифа мамлакатнинг нефть объектларида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишдан иборат бўлган. Ироқ расмийлари мамлакатда "Ал-Қоида"нинг пайи қирқилган, дея таъкидламоқда. Лекин мамлакатнинг турли ҳудудларида террористик хуружлар давом этмоқда.

МАНДАРИН СОТИЛДИ, МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

Чжэцзян коммуникация ва оммавий ахборот воситалари университети талабаси Сяобин исмли йигит олийгоҳдаги таҳсили учун белгиланган маблағни тўплаш учун қарийб беш тонна мандаринни пуллаган.

Сяобин қишлоқлик бечораҳол оила фарзанди бўлиб, оиланинг навбатдаги боскич учун тўловни тўлашга имконияти бўлмаган. Сяобиннинг отаси эса мандарин етиштиради. Бу йил мандариндан мўл ҳосил олинганди, лекин жаҳон молиявий инқирози туфайли ва ҳудудда етиштирилган бу йилги цитрус мевалари касалликка чалингани ҳақидаги шов-шувлар боис мандарин сотилмай қолган. Сяобиннинг отаси ўғлига бу йилги ҳосилнинг учдан бир қисмини берди ва у шаҳарнинг қоқ марказида мандаринлар савдосини ташкил этди. Сяобин бўлажак журналист эмасми, ўз муаммоси ва мандарин савдоси ҳақида оммавий ахборот воситаларини огоҳлантириб қўйганди. ОАВ ўз ўрнида жаҳон молиявий инқирозини баҳона қилиб, дангасалик боткоғига ботиб бораётганларга ибрат бўлиши учун талабанинг омилкорлигини роса тарғиб этишди. Шундай қилиб, Сяобиннинг омилкорлиги жуда иш берди — талаба беш тонна мандаринни бир соат ичида сотди-қўйди. Ишнинг кўзини билган Сяобин нафақат тўлов муаммосини ҳал этди, балки мамлакатда энг машҳур талабага айланди.

ИНТЕРПОЛ ХАВФЛИ ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ИЗЛАМОКДА

Интерпол хизмати дунёнинг қарийб 187 мамлакати бўйлаб тарқалган тармоқларида Кот-д'Ивуар қамоқхонасидан 86 нафар хавфли жиноятчининг оммавий равишда қочиб кетгани муносабати билан "сариқ ранг" даражасидаги сафарбарликни эълон қилди.

Халқаро жиноий полиция ташкилотининг Франциянинг Лион шаҳрида жойлашган штабидан тарқатилган баённомада қамоқхонадан қочган жиноятчиларнинг алоҳида белгилари ва уларни ҳибсга олиш учун зарур барча маълумотлар келтирилган.

"Бу ўринда гап жамият учун ўта хавфли ҳисобланган жиноятчилар хусусида бормоқда. Бу жиноятчилар қотиллик содир этган ва жиноий гуруҳларга алоқадор бўлган шахслар бўлиб, уларнинг ҳар бири одамлар ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин. Уларни қўлга олиш юзасидан чора-тадбирлар айниқса, чегаравий ҳудудларда кучайтирилсин", дейилади Интерпол баённомасида.

ВАЪДА ИЖРОСИ УЧ ОЙГА КЕЧИКДИ

АҚШ президенти Барак Обама ўтган ҳафтанинг жума куни Ироқдаги ҳарбий амалиётлар масаласида ўз стратегик режаларини эълон қилди.

Шимолий Каролинадаги ҳарбий базада қилган нутқида президент 146 минг нафардан иборат америкалик ҳарбийлар 2010 йилнинг 31 августига қадар Ироқдан олиб чиқиб кетилиши хусусида батафсил тўхталди. Бу ҳарбийларнинг Ироқни тарк этиши, президент сайловолди кампаниясида ваъда оммавий ахборот воситаларини огоҳлантириб қўйганди. ОАВ ўз ўрнида жаҳон молиявий инқирозини баҳона қилиб, дангасалик боткоғига ботиб бораётганларга ибрат бўлиши учун талабанинг омилкорлигини роса тарғиб этишди. Шундай қилиб, Сяобиннинг омилкорлиги жуда иш берди — талаба беш тонна мандаринни бир соат ичида сотди-қўйди. Ишнинг кўзини билган Сяобин нафақат тўлов муаммосини ҳал этди, балки мамлакатда энг машҳур талабага айланди.

▲ "Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қуйидаги объектларга ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-8:

Лот-1. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги 524 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 320 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 320 ўқувчи ўринли 25-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 360 ўқувчи ўринли 38-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 100 ўқувчи ўринли 42-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-6. Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги 640 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-7. Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги 422 ўқувчи ўринли 34-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-8. Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги 240 ўқувчи ўринли 53-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот 1-9:

Лот-1. Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 624 ўқувчи ўринли 25-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 780 ўқувчи ўринли 27-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 320 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 784 ўқувчи ўринли 34-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги 620 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-7. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги 1176 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-8. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги 960 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-9. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги 520 ўқувчи ўринли 40-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот 1-8:

Лот-1. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 320 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 844 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 964 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Пскент туманидаги 320 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти. Пскент туманидаги 37-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-6. Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 960 ўқувчи ўринли 11-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-7. Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 440 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-8. Тошкент вилояти. Паркент туманидаги 784 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни капитал таъмирлаш.

Лот 1-7:

Лот-1. Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 624 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни 12х24 м. ўлчамдаги спорт зали билан капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 180 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 240 ўқувчи ўринли 38-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 540 ўқувчи ўринли 44-сонли мактабни спортзали билан капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 1176 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-6. Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 1300 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-7. Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 1020 ўқувчи ўринли 28-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот 1-7:

Лот-1. Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 440 ўқувчи ўринли 17-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 420 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 480 ўқувчи ўринли 37-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 270 ўқувчи ўринли 38-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 624 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-6. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 624 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-7. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 640 ўқувчи ўринли 38-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот 1-7:

Лот-1. Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 180 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 320 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 624 ўқувчи ўринли 40-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 280 ўқувчи ўринли 57-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 520 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-6. Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 360 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-7. Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 1000 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот 1-7:

Лот-1. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги 824 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги 420 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги 175 ўқувчи ўринли 41-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги 536 ўқувчи ўринли 44-сонли мактабни 9х12 м. ўлчамдаги спорт зали билан капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 1296 ўқувчи ўринли 13-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-6. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 834 ўқувчи ўринли 43-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-7. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги 428 ўқувчи ўринли 73-сонли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш;

Лот 1-6:

Лот-1. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги 1000 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-2. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги 1176 ўқувчи ўринли 17-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-3. Тошкент вилояти. Олмалиқ шаҳридаги 920 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-4. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳридаги 930 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-5. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 1486 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Лот-6. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳридаги 1284 ўқувчи ўринли 17-сонли мактабни капитал таъмирлаш;

Капитал таъмирлаш ишларини тугатиш муддати – 2009 йил 1 август.

Таъмирлаш ишлари: ***Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

Савдо ташкилотчиси: *Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси.*

Буюртмачи манзили: ***Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси 17 уй. Телефон: 233-06-95.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 18, 308/311 хоналар. тел/факс: 241-15-32, 241-15-26.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси 19-уйда, Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида ўтказилади.

Божхона

"ЗИЛ"дагилар зил кетди

Божхона ходимлари юртимиз ҳудудидан қора ва рангли металл парчаларининг ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Яқинда Сирдарё вилоятининг "Сардоба" ҳаракатдаги божхона пости ходимлари Сайхунобод туманида ҳаракатланаётган "ЗИЛ" русумли юк машинасини божхона назоратидан ўтказишганда, фуқаро Т.Турдиев 4627 кг. қора металл парчаларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолат Навоий вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам аниқланди. Улар "Газ-5327" русумли юк машинасини божхона назоратидан ўтказишганда, унда фуқаро С.Тилавовга тегишли 2120 кг. қора металл парчалари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Жиззах вилояти божхона бошқармасининг "Гагарин" божхона пости ходимлари ҳам "ЗИЛ" русумли юк машинасини божхона назоратидан ўтказишганда унда 4,5 тоннага яқин қора металл парчалари борлиги аниқланди. Аммо юк эгаси А.Худойбердиев берилган саволларга жавоб тополмай ер чизиб қолди.

"Спирт" операцияси фош этилди

Республикамиз божхоначилари юртимиз ҳудудига сифати кафолатланмаган спирт ва алкоголь маҳсулотларнинг ноқонуний олиб кирилишига қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Яқинда навоийлик божхоначилар йирик миқдордаги спиртнинг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйдилар. Томди туманида ҳаракатланаётган "УАЗ" автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда унга қиймати 2 миллион сўмдан ортиқ, қарийб 1400 литр спирт юкланганлиги ва у Ғиждувон туманига олиб кетилаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича ёш бўлишига қарамай эгри қадамни каттароқ ташлаган А.Кўзиев ва А.Мирзаев мингдан ортиқ елим идишлардаги бу маҳсулотларни қайта сотиш мақсадида Қозоғистондан юртимизга олиб киришган экан.

Сирдарё тумани ҳудудидаги йўлларнинг бирида тўхтаб турган "ВАЗ-2108" автомобилини текширувдан ўтказган вилоят божхоначилари унда фуқаро Н.Парманова тегишли 825 литр спирт маҳсулоти борлигини аниқлашди. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган 1 миллион 650 минг сўм қийматидаги сифати кафолатланмаган бу маҳсулотлар 550 дона елим идишларга жойланган экан.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси таркибидаги
"ОҲАНГАРОНДОН"
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА
қуйидаги асосий турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ҳамда сотилади:
1. Макарон маҳсулотлари (икки хил – 800 грамм қилиб қадоқланган, 25 килограммлик қопларга солинган).
2. Омихта ем маҳсулотлари (сочилувчан ва донадор).
Манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат шоҳобчаси кўчаси, 1-уй.
Тел.: 8-370-64-5-23-94; 64-5-39-08; 64-5-24-18.
Маҳсулотлар сертификатланган.

SSANGYONG АВТОСАЛОН
МЧЖ"ULOR AVTO"расмий вакили SsangYong Motor Company(Жанубий Корея)

Германия технологияси асосида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган
Кафолат 2 йил (40000 км.)
Маҳсулот сертификатланган
Божхона тўлови тўланган
Тошкент ш.У.Носир кўчаси 12.
Тел.: 148-48-48, 150-71-20, (+99897) 421-21-01, (+99897) 421-21-02.

ООО "AGROLUX INVEST" сообщает о смене своего фирменного наименования в ООО "FORTUNA STEM SERVIS". Тел.: 253-27-77.

СП ООО "ALTAYVITAMINI-FPI" (код по ОКПО 21479596, ИНН 206820379), зарегистрированное Министерством Юстиции РУз, в соответствии с протоколом собрания учредителей № 4 от 30.11.2007 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу г.Келес, ул.Галаба, 68. Тел.: (+99871) 255-63-04.

ЗАО "SOHIL-M" (ИНН 201064089) Юнусабадского района г.Ташкента сообщает о реорганизации в ООО "SOHIL-M", общества "SOHIL-M" принимает все права в отношении кредиторов и должников. Претензии принимаются по телефону: 234-57-57.

Якка тартибдаги тадбиркор Рахимов Козим Каримович, гувохнома № 0905532 (ИНН 425838617), ўз фаолиятини тугатганлиги сабабли бир ой муддат ичида даъво ва аризалар 310-07-67 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Х.Умаров кўчасида жойлашган ХК "MILLENIUM-AVTO" номига Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 26.09.2006 йили Автосалон ТХКС ва автомобилларни ювиш, савдомаиший хизмат кўрсатиш мажмуасига берилган кадастр (реестр) № 3714279032 рақамли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧФ "ALIZODA" (код по ОКПО 15242789, ИНН 200518915) преобразуется в ООО "ALIZODA". Претензии принимаются по тел.: 254-22-33.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидан рўйхатга олинган "NURDIYOR" хусусий фирмаси ҳуқуқий мақоми ва фирмали номини "ZIYO KAPITAL QURILISH" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. Тел.: 704-50-06.

Утерянное (15 января 2008 г.) свидетельство частного предпринимателя № 01-03370 (реестр № 0104906), выданное 28 ноября 2007 г. хокимиятом Учтепинского района г.Ташкента на имя Усманова Эргаша Мирзабаевича (ИНН 600535685), считать недействительным.

ЧП "INVOGEN TELECOM" (код по ОКПО 22578840, ИНН 206979195) преобразуется в ООО "INVOGEN TELECOM". ООО "INVOGEN TELECOM" является правопреемником ЧП "INVOGEN TELECOM". Тел.: 255-72-93.

ООО "KASKELEN INVEST" (ИНН 206746374), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.Чиланзарская, 83, ликвидируется (протокол собрания № 2 от 5 февраля 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 337-34-30.

Утерянное свидетельство (гувохнома) частного предпринимателя № 08-02709 (реестровый № 0803952), выданное 20.12.2007 г. отделом регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского хокимята г.Ташкента на имя Расулова Музаффара Мохировича (ИНН 471462074), считать недействительным.

Кредитный союз "OPTIMAL KREDIT" объявляет о проведении общего собрания пайщиков 4 апреля 2009 года по адресу: г.Ташкент, пр.Узбекистанский, 98. Дом кино. Розовый зал в 10.00. Тел.: 245-79-32, 109-75-00.

36 ёшли Дилшод Тоғаев ахлоқ тузатиш жазосини ўташ даврида Ғузор туманидаги "Шўртан" унитар корхонасига қарашли автосаройда қоровул бўлди. Урганган кўнгил ўртанса кўймас, деганларидек меҳнат қилмасдан мўмай даромад топиш истаги уни тинч қўймади. Мўмай даромад топишнинг турли қинғир йўлларини излаб, ўзича режа туза бошлади. Шу ниятда атрофдаги ишонувчан одамларни кўз остига олди. Ниҳоят, содда кишиларнинг ишончига кириб, фирибгарлик билан уларни чув туширib, ялло қилиб яшашим мумкин деган тўхтамга келди. Унинг бу нияти амалга ошишига хўжаликнинг қарздорлиги кўпайиб, автосаройдаги техникаларнинг бир қисми ким ошди савдоси орқали сотилиши қўл келди.

ЎН СОДДАДИЛ
ва бир фирибгар

ТААССУФ

Ўз нияти йўлида ишга киришиб, Шўртан қўрғонида яшовчи Зулфия Баратованинг уйига бориб, хўжалик автосаройида ҳайдовчи бўлиб ишловчи ўғли Мэлс Нуримов номига хўжаликка қарашли "ГАЗ-53" русумли, автомашинани ким ошди савдоси орқали хусусийлаштириб беришни таклиф этади. З.Баратова ҳам унинг қармоғига осонгина илина қолди. Аввало, ким ошди савдосига автомашина ҳужжатларини тайёрлаш керак деб, ундан 50.000 сўм пул ва ўғлининг паспортини олиб кетади. Орадан 5 кун ўтказиб, харажат учун керак бўлаётир, деб яна 300.000 сўм олади. Бир оз ўтиб эса 200 АҚШ долларини ҳам ими-жимида аёлдан ўзлаштиради. З.Баратова фирибгарнинг ширин ваъдаларига ишониб, ўз жамғармаси ҳамда кўни-қўшниларидан қарз олиб бўлса-да, иши тезроқ битиши учун Дилшоднинг қўлига жами 900.000 сўм пулни тутқазиб юборади. Ким ошди савдоси ўтавермагач, машина хусусийлашмагач, Зулфия Баратова ва ўғли ўзларининг чув тушганини англашади. Шўртан қўрғони ва Фармистон қишлоғи орасида бўзчининг мокисидай қатнашиб, Дилшоднинг уйига пулини сўраб боришдан бошқа чоралари қолмади. Афсуски, Д.Тоғаевнинг "эрта-индин"и адо бўлмади.

Фирибгар ўз тўрига Чуқур қишлоғилик "Шўртан" УКда ишловчи Камол Бозоровни ҳам осонгина илинтирди. Унга ҳам автосарой техникалари ким ошди савдоси орқали сотилаётганини айтиб, "Т-28" русумли тракторни сизга таниширам орқали хусусийлаштириб бераман, деб қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди. Дастлаб қўл учи деб ундан "кўки"дан, яъни 100 АҚШ долларини олиб кетган бўлса, кейинчалик турли вақтларда 75.000, 370.000 сўм пул олади. Энг ачинарлиси, К.Бозоров сўраб-суриштирмасдан, бировлардан қарз олиб, молини сотиб, фирибгарнинг ҳийла-найрангига ишониб, унга ўз қўли билан жами 570.000 сўмни тутқазади. Аммо у ўз хатосини кеч тушунди.

Шўртан қўрғонида яшовчи Хурсанд Эркаева ҳам Дилшоднинг "рўйхати"дан жой олган экан. Жиноятчи унинг уйига бориб, ўғли Анвар Эркаев номига "МТЗ-80" тракторини хусусийлаштириб беришни ваъда қилиб, уларни ҳам 900.000 сўмга чув туширди.

Дўлтали қишлоғилик Қилич Холмуродов ҳам шахсий "Т-28" тракторига эга бўлиш илинжида фирибгарнинг қўлига 300.000 сўмни тутқазади. Ажабланарлиси, Қилич Холмуродов "Шўртан" УК автосаройида гараж мудири вазифасида ишлаб туриб, оддий қоровулнинг хийласига чув тушади. Одам дегани ҳам шунча содда бўладими, дея ўйлаб қоласан киши.

Гулшан ҚФЙ ҳудудидаги Эскибоғ қишлоғида яшовчи Чоршанби Рўзибоев ва унинг ўғли Икром Рўзибоев эса ўзлари Дилшод Тоғаевни излаб топишиб, унинг тегирмонига қўллари билан сув қуйишади. Гап шундаки, Чоршанби Рўзибоев ва унинг ўғли Россияга ишга боришиб, ишлаган пулларига у ердан "Нива" русумли енгил машина олиб қайтишади. Улар олиб келаётган "ВАЗ-21213" русумли "К-318" УЕ 50 давлат белгили автомашинани Қашқадарё ТИФ божхона постида тўхтатишиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмаганликлари учун вақтинча олиб қолишади. Улар машинани божхона масканидан қандай чиқарамиз, деб ўйлаб юрган кезлари таниишлари ўғли Икромга Дилшоднинг таърифини айтиб, уни машиналарингнинг ҳужжатларини ҳал қилиб беради, деб ишонтиришади. Шундан сўнг И.Рўзибоев Д.Тоғаевни қидириб топиб, у билан танишади ва мақсадини айтади. Дилшод Икром билан гаплашгач, иши бароридан келаётганидан суюниб кетади. Чунки навбатдаги "ўлжа" ўз оёғи билан уни излаб келиб турган эди-да. Шундан сўнг Икром Д.Тоғаевни уйига олиб бориб, отаси Чоршанби Рўзибоев билан таништиради. Ч.Рўзибоев Дилшодга "Майли қанча харажат бўлса тўлайман, фақат пулни машинани ҳужжатлари ҳал бўлгач оласан", дейди. Аммо Дилшод аноий эмас, алдов усулини қўллайди. У Рўзибоевлар хонадонига бориб, "Ишлар ҳал бўлаяпти, расмийлаштириш учун пул керак" деб оила аъзолари гувохлигида дастлаб 800.000 сўм олади. Иш эрта битади, индин битади, деб уларни алдаб юраверади. Рўзибоевлардан ҳар хил харажатлар баҳонасида яна 550.000 сўмни алдаб олади. Фирибгарнинг ҳийласига учган Рўзибоевлар оиласи унинг ёлғон гапларига ишонишиб, 1.350.000 сўмни қандай қилиб топиришганларига ўзлари ҳам ҳайрон. Шу орада Рўзибоевлар хонадонига Қашқадарё ТИФ божхона пости бошлиғи божхона хизмати капитани Б.Азизов имзоси билан хат келади. Унда машинани бир ҳафта ичида олиб кетиш кераклиги, акс ҳолда давлат фойдасига мусодара этилиши тўғрисида огохлантирилганди. Афсуски, шунда ҳам Рўзибоевларнинг кўзи очилмади. Улар яна Дилшодга бориб учрашиб, унинг навбатдаги найрангларига ишонишган. Охири улар алдангликларини тушунишди. Бироқ энди вақт ўтганди,..

Унинг тузоғига илинган жабрдийдалар ўзларининг пулларини олиш учун Фармистон қишлоғига 15-20 марталаб келиб-кетишиб, мақсадларига эриша олмагач, ниҳоят ҳуқуқтартибот идораларига мурожаат этишга мажбур бўлишди. Шу вақт давомида Д.Тоғаев қармоғига илинган кишиларнинг 4.020.000 сўм пулини жиғилдонидан ўтказиб юборганди.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар, Д.Тоғаев қилган фирибгарлиги, одамларнинг ишончига кириб, уларнинг катта миқдордаги пулларини ўз манфаати йўлида ишлатиб юборгани учун учинчи марта суднинг қора курсисига ўтирди. Суд уни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

Ушбу воқеа, албатта, кўпчиликка сабоқ бўлади, деган ниятдамиз. Чунки фирибгарда ўта ишонувчан, содда одамлар бор экан, айрим фирибгар кимсалар у ёки бу мушкулингни осон қилиб бераман, деб уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, бор бисотини шилиб кетиши тайин. Энг ачинарлиси, чув тушганларини кеч тушуниб, аттанг деб қоладилар.

Иброҳим ЭЛМУРОДОВ,
Ғузор тумани ИИБ тергов бўлинмаси катта терговчиси, подполковник.
Бобоназар ҲАСАНОВ,
журналист.

Қашқадарё вилояти

XVIII ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

ФУТБОЛ

1 март куни футбол бўйича XVIII Ўзбекистон чемпионати ўйинлари бошланди. Мамлакатимизнинг саккизта майдонида олий лиганинг 16 та жамоаси чемпионат навбатдаги ғолибини аниқлаш учун курашга киришдилар.

Эътиборли жиҳати, 1-турда тўртта кутилмаган натижа қайд этилди. Олий лигага яна қайтган "Хоразм" клуби меҳмонда тўп суришига қарамай "Металлург" устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси ҳам меҳмонда зафар қучди. "Андижон" билан баҳсда Иброҳим Раҳимовнинг ягона голи учрашув тақдирини ҳал қилди. Ўтган йилги чемпионатни учинчи ўринда якунлаган ва ОФК Кубоги иштирокчиси "Нефтчи" "Қизилқум" жамоасига сафар ўйинида 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. "Қизилқум"нинг иқтидорли ўйинчиси Ярослав Крушельницкийнинг иккита голи зарафшонликларга муҳим уч очкони тақдим этди. Водийнинг яна бир кучли жамоаси "Навбаҳор" ўз майдонида Игорь Шквирин шогирдлари "Олмалиқ" жамоасини енга олмади. Ўйин 0:0 ҳисоби билан тугади.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Пахтакор"–"Бухоро" 3:0, "Насаф"–"Шўртан" 4:2, "Сўғдиёна"–"Машъал" 1:0, "Динамо-С"–"Бунёдкор" 0:1.

УЕФА КУБОГИ:
НИМЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Европа Чемпионлар лигасидан кейинги ўринда турувчи УЕФА кубогининг навбатдаги 1/16 босқич жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

Натижалар ҳақида гап кетганда, албатта, МДҲ вакилларининг кўрсатган ўйинларини тилга олмасдан илож йўқ. Аксарият рус журналистлари танқидига учраган Зико ўзининг қандай кучга эга эканлигини уларга кўрсатиб қўйди. ЦСКА ҳозирда Англия премьер-лигасида совринли ўринлар учун курашаётган "Астон Вилла"ни ўз майдонида ишончли ҳисоб билан мағлубиятга учрата олди.

"Зенит"нинг кейинги босқичга чиқиши бир оз шубҳа остига олинганди, бироқ питерликлар ўтган йилги натижалар тасодиф эмаслигини исботлашди. Улар "Штутгарт"ни икки ўйинда ҳам мағлуб этишди. Киевнинг "Динамо"си ҳам ўзини ўнглаб бормоқда. Юрий Сёмин шогирдлари анча кучли ҳисобланган "Валенсия" билан эришилган дуранглар, яъни меҳмондаги маҳсулдорлик эвазига кейинги босқичга чиқишди. Шунингдек, Украинанинг "Металлист" жамоаси ҳам Италиянинг "Сампдория" клубини мусобақадан чиқариб юборди.

Нимчорак финалнинг жуфтликлари билан танишинг: ЦСКА "Ольборг" (Дания), "Вердер" (Германия)–"Сент-Этьен" (Франция), "Марсель" (Франция)–"Аякс" (Голландия), "ПСЖ" (Франция)–"Брага" (Португалия), "Гамбург" (Германия)–"Галатасарой" (Туркия).

КУТИЛМАГАН ЗАРБА ОРҚАЛИ НОКАУТ

БОКС

АҚШнинг Хьюстон шаҳридаги марказий бокс саройида икки экс-чемпион ўртасида енгил вазннинг бўшаб қолган WBO ва WBA камарлари учун жанг ташкил этилди.



Собиқ чемпионлар Хуан-Мануэль Маркес ва Хуан Диас боксчилик фаолиятидаги навбатдаги унвонларни қўлга киритиш мақсадида рингга кўтарилишди. Жангнинг асосий қисми тенг курашлар ва зарбалар остида кечди. Иккала мексикалик боксчи ҳам ўзларининг ҳақиқий кучларини намойиш қилишди. Тўққизинчи раундга келиб Хуан-Мануэль Маркес кутилмаган, пастдан йўналтирилган зарба билан Диасни нокаутга учратди. Шундай қилиб Маркес яна амалдаги чемпионга айланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Ҳурматли тадбиркорлар!

Ўз ишлаб чиқаришингизни такомиллаштириш бўйича ғояларингиз бўлса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда ўз корхоналарингизни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни хоҳласангиз "Пахта Банк"ка мурожаат қилинг!

ОАТБ "Пахта Банк" Сизнинг инвестицион лойиҳангизни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиради!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сонли қарорига асосан иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Пахта Банк" қуйидаги йўналишларга:

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, агросаноат мажмуасининг етакчи тармоқлари корхоналарининг локализация даражасини ошириш ҳамда шу асосда янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга;
– ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича иқтисоий аҳамиятга эга давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга;
– корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хусусан, замонавий асбоб-ускуналар ва мини-технологиялар сотиб олиш, ички бозорни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдиришга.

Камида бир йиллик имтиёзли давр билан 3 йилдан ортиқ муддатга ва йиллик 14 фоиздан ошмаган ставкада имтиёзли кредитлар ажратади.

Кредит олиш учун мижоз қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– *кредитнинг мақсади кўрсатилган ариза;*
– *пул оқимлари прогнози кўрсатилган бизнес-режа;*
– *технико-иқтисодий асосланиш, шунингдек, ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;*
– *корхонанинг охирги 3 йилдаги молиявий ҳисоботлари;*
– *инвестицион лойиҳа асосида ишлаб чиқариладиган экспортбоп маҳсулот учун тузилган шартномаларнинг нусхалари;*
– кредитнинг таъминоти бўйича маълумот.

Батафсил маълумот олиш учун "Пахта Банк"нинг барча филиаллари ёки 150-53-44 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

"ПАХТА БАНК" – СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИНГИЗ!

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ўртасарой кўчаси, 12-уйда яшовчи Файбуллаев Абдухалил номига берилган № 4405-рақамли уй плани ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 04.01.2009 йили Сайдумарова Феруза Анваровнага берилган (гувоҳнома № 05-06-613) № 0508547 рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"NATIJALI" (СТИР 202409581, ОКОНХ 66000) хусусий корхонаси ўз мақомини "NATIJALI LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga ўзгартирмоқда. "NATIJALI" хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси "NATIJALI LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati ҳисобланади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли, 6-тор кўчаси, 3-уй. Тел.: 111-67-43.

"AGROLIFE IMPEX" (СТИР 300647863, ОКОНХ 18151) mas'uliyati cheklangan jamiyati Устав фондини 470 255 683 (тўрт юз етмиш миллион икки юз эллик беш минг олти юз саксон уч) сўмдан 419 755 683 (тўрт юз ўн тўққиз миллион етти юз эллик беш минг олти юз саксон уч) сўмга камайтирганлигини маълум қилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Ⓛ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.КУЛМУРОДОВ
Мусаҳҳих: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.55
19339 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678